

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

690 Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат
бюджети параметрлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2013 йил 14 ноябрдаги 770–II-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги СҚ–399-II-сон қарорларини бажариш юзасидан:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

* 1-2-илвалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг, Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2014 йилги асосий параметрлари 3 — 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2014 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, республика бюджети маблағларининг 2014 йил бошидаги бўш қолдиқлари ва бошқа қадрсизланмайдиган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2014 йил учун:

қўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорида;
юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага** мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага** мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга** мувофиқ;
тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 10-иловага** мувофиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 11-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларда** келтирилган рўйхатга мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага** мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага** мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижоратбоп топилма бонуси ставкалари 15-1 ва 15-2-иловаларга** мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари 16-иловага** мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига олинadиган солиқ ставкалари 17 ва 18-иловаларга** мувофиқ;

* 3 — 6-иловалар берилмайди.

** 7 — 18-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

юрidik ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

махаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага* мувофиқ;

22-иловага* мувофиқ белгиланган солиққа тортиш объектларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,6 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,4 фоиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умум-таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари 23-иловага* мувофиқ;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 24-иловадаги* нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорда;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 6,5 фоиз миқдорда тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ солиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юрidik шахслар учун — давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун — 25-иловага* мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, ягона солиқ тўловидан тушумлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланади.

6. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун асосий воситаларни хар йили мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинсин, уни хар уч йилда бир марта ўтказиш белгилаб қўйилсин.

7. Қарзни ундиришни солиқ тўловчилар мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари 26-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

** 19 — 26-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

8. 2014 йил 1 январдан бошлаб, мобил алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи, маблағларни 27-иловага* мувофиқ тақсимлаган ҳолда, ойига 600 сўм миқдориди белгилансин.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2014 йил 1 январдан бошлаб «Ўзнефтмахсулот» АК нефть базалари томонидан автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини ажратилган лимитларга мувофиқ истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш, бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқни ҳисобга олган ҳолда, чакана нархларда амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

давлат эҳтиёжлари учун фермер хўжаликларидан сотиб олинган пахта хом ашёси ва дон учун 2014 йилги харид нархларини шакллантиришда фермер хўжаликлари томонидан дизель ёқилғисининг, бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмоли учун солиқни ҳисобга олган ҳолда, чакана нархлар бўйича сотиб олинишини назарда тутсин;

зарурат бўлганда, нархларнинг унификация қилиниши ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқнинг жорий қилиниши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг фермер хўжаликлари томонидан компенсация қилинишини назарда тутувчи Фермер хўжаликлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда компенсация миқдори фермер хўжаликлари томонидан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўланишини бекор қилиш ҳисобига шаклландиган ўз манбаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак.

16. Давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидеги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинган қатъий белгиланган солиқ;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

28-иловага* мувофиқ давлат божлари, йиғимлар ва жарималар бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

17. 2014 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари,

* 27-28-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

республика бюджетидан бюджет субвенцияларининг чекланган миқдорлари 29-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 30-иловага* мувофиқ;

республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 31-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини коплаш учун) тегишли маҳаллий бюджетларга бюджетдан субвенциялар ва ссудалар ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

19. 2014 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети захира жамғармалари миқдорлари 32-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

20. 2014 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўлов миқдорлари 33-иловага** мувофиқ белгилансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори 24-бандининг амал қилиши 2015 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2013 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармаларини қўйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,1 фоиз бўлгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 25890,0 млрд сўм, харажатлари 26012,0 млрд сўм миқдориди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 9700,0 млрд сўм ва харажатлари 9056,7 млрд сўм миқдориди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл

* 29 — 32-иловалар берилмайди.

** 33-илова рус тилидаги матнда берилган.

жамғармасининг даромадлари 2148,4 млрд сўм ва харажатлари 1947,7 млрд сўм миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг Ғазначилик бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2014 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2013 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2013 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, якуний операциялар ўтказсинлар.

23. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига жисмоний шахслар томонидан тўланган фуқароларнинг суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига жисмоний шахслар томонидан тўланган фуқароларнинг суғурта бадаллари маълумотларини яқка тартибда ҳисобга олишни жорий этиш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқсин ва 2014 йил 1 июлгача Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳар чоракда ба-жарилишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йилдаги ижросини таҳлил этиш натижалари бўйича, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини белгиланган тақчиллик доирасида аниқлаштиришга доир таклифлар киритсин.

25. Товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларида илгари берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 34-иловага мувофиқ узайтирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари 35-иловага мувофиқ 2014 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 2014 йил 1 январдан бошлаб 36-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илгари қабул қилин-

ган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

28. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 декабрь,
ПҚ-2099-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги
ПҚ-2099-сонли қарорига
34-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг имтиёзлар берилган
ва уларнинг амал қилиш муддати узайтирилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Амал қилиш муддати 2016 йил 1 январгача узайтирилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон қарори 8-бандининг иккинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сон қарорининг 3-банди.

2. Амал қилиш муддати 2017 йил 1 январгача узайтирилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарори 8-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошилари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «JV MAN Auto — Uzbekistan» МЧЖ корхонасини

ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 7 августдаги 224-сон қарори 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари.

3. Амал қилиш муддати 2019 йил 1 январгача узайтирилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги ПП–1027-сон қарорининг 3 ва 4-бандлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги
ПҚ–2099-сон қарорига
35-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2014 йил
1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган
айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 2-илованинг IV банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фанлар академиялари аъзоларининг гонорарлари, докторантлар ва аспирантларнинг стипендиялари миқдорини ошириш тўғрисида» 1994 йил 1 декабрдаги 578-сон қарорига илованинг 2, 5 ва 6-бандлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги
ПҚ–2099-сон қарорига
36-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2014 йил
1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартиш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) қуйидаги мазмундаги 13¹-банд қўшилсин:

«13¹. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда,

почта алоқаси ёки Интернет тармоғи орқали мазкур Низомнинг 1б-иловасига мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза-хабарнома тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг 3 x 4 см ўлчамдаги иккита фотосурати;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра);

паспортлар нусхалари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг қариндошлик даражасини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар»;

б) 13¹-банд 13²-банд деб ҳисоблансин;

в) 15-банднинг учинчи хатбошидаги «ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини» сўзлари «юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 27-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Якка тартибдаги тадбиркорларни, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли реестрларга ушбу Низомнинг 5а, 5б ва 5в-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича киритилади»;

д) 28-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларига — мазкур Низомнинг 6б-иловасига мувофиқ шаклда якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти)нинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳномани, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини (уларнинг хоҳишига кўра) беради»;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 30-банднинг учинчи хатбошидаги «ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини» сўзлари «юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 33-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирдаги учта хатбоши шаклида баён қилинсин:

«Таъсис ҳужжатларига:

муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ўзгартиш

ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказган органга ушбу Низомнинг 11-банди «б» кичик бандида кўрсатилган хужжатлар ҳам тақдим этилади;

хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг қисми (улуши)ни реализация қилиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказган органга қисми (улушни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам тақдим этилади, қисм (улуш) Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсга реализация қилиниши ҳоллари бундан мустасно;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

з) VII бўлимга қуйидаги мазмундаги 37¹-банд қўшилсин:

«37¹. «Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида унга берилган гувоҳномада кўрсатилган юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти қатнашчилари таркиби ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Рўйхатдан ўтказувчи орган хабарнома олинган пайдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгаришлар тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига хабар қилади, тегишли давлат реестрларига ўзгартиришлар киритади, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги янги гувоҳномани расмийлаштиради, тадбиркорлик субъектини хабардор қилади ва унга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ушбу гувоҳномани беради.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида янги гувоҳномани беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади, ушбу Низомнинг 38¹-бандида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома рўйхатдан ўтказувчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак»;

и) қуйидаги мазмундаги 16-илова қўшилсин:

52 (604)-сон

— 55 —

690-модда

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-
тига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

Кимга _____
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)
_____ дан
(аризачининг Ф.И.О.)

АРИЗА-ХАБАРНОМА

_____ муддатга
(оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш қўрувчи жисмоний шахс томонидан тўлдирилади)

_____ (фаолият амалга оширилдиган жой)

_____ ни
(фаолият тури)

амалга ошириш учун **оилавий тадбиркорлик субъекти** сифатида юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари тўғрисидаги маълумотлар:

Оилавий тадбиркорлик субъекти
номидан иш қўрувчи шахснинг
Ф.И.О.

Паспортга оид маълумотлар:

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

СТИР (бор бўлганда)

Уй манзили:

Почта индекси:

Аризачининг электрон манзили:

_____ Мулоқот телефони _____

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР*

* Бор бўлганда тўлдирилади.

Ариза-хабарномага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар**:

1. _____
2. _____
3. _____

** *Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиغا олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига илова).*

_____ (тўлдирилган сана ва вақт)

_____ (ариза берувчи фуқаронинг имзоси)

_____ (қабул қилиб олинган сана ва вақт)

_____ (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси);

к) 2а-илованинг номидаги «ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини» сўзлари «юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) қуйидаги мазмундаги 5в-илова қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-
га олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
Бв-ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорларнинг (юридик шахс бўлмаган
оилавий тадбиркорлик субъектларининг)
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Т/р	Ариза- хабарнома берилган сана ва вақт	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг уй манзили	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг паспортига оид маълумотлар (серияси ва тартиб рақами, берилган санаси)	Амалга ошириладиган фаолият тури	Фаолият амалга ошириладиган жой	Давлат рўйхатидан ўтказишнинг тартиб рақами ва санаси (реестр)	Гувоҳно- манинг тартиб рақами
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Давоми

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати	СТИР коди	Гувоҳнома олинди		Давлат реестрдан чиқарилган сана	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила бошқа аъзоларининг Ф.И.О.	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила бошқа аъзоларининг СТИР коди	Қўшимча маълумотлар
		сана ва вақт	имзо				
10	11	12	13	14	15	16	17

м) қуйидаги мазмундаги 66-илова қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-
тига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
66-ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорни (юримдик шахс бўлмаган
оилавий тадбиркорлик субъектини) давлат рўйхатидан
ўтказиш тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

Реестр тартиб рақами _____

№ 0000000

_____ йил «_____» _____

Юримдик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш
қўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.

Паспорт серияси _____ № _____

_____ берилган

Уй манзили _____

Амалга ошириладиган фаолият тури _____

Фаолият амалга ошириладиган жой _____

_____ йил «_____» _____ гача ҳақиқийдир

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

Фотосурат
учун жой

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР

М.Ў.

Ваколатли органнинг раҳбари _____
(имзо) »;

н) 7-иловада:

қуйидаги мазмундаги 11¹-банд қўшилсин:

«11¹. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари***:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР (бор бўлганда)

изоҳлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«* Шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари учун тўлдирилади.

** Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари учун тўлдирилади;

*** Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари учун тўлдирилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар

асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПҚ–433-сон қарорининг 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзлари «2017 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «10 фоизга» сўзлари «5 фоизга» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ–733-сон қарорининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки, республиканинг:

умумий реализация ҳажмида 80 фоиз ва ундан ортиқ фоиз тайёр тўқимачилик маҳсулотини;

умумий реализация ҳажмида 60 фоиз ва ундан ортиқ фоиз тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини (калава ип, газлама, трикотаж полотно) эркин муомаладаги валютага сотувчи тўқимачилик саноати корхоналари мол-мулк солиғи тўлашдан 2016 йилнинг 1 январигача бўлган даврга озод қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқонобод калий ўғитлари заводи қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПҚ–748-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан ундириладиган фойда солиғини тўлашдан» сўзлари «кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш доирасида олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан 2008 йил 1 январдан бошлаб» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ–842-сон қарорининг 8-бандида:

биринчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзлари «2017 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги ПП–1027-сон қарорида:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзлари «2019 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзлари «2019 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 4¹-банд қўшилсин:

«4¹. Навоий шаҳри аэропорти 2015 йил 1 январгача мол-мулк солиғи,

ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўлашдан озод қилинсин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг 100 фоизи».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сон қарорининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга 2016 йил 1 январгача ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш шаклида солиқ имтиёзи берилсин, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин»;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбошидаги «ушбу имтиёзлар» сўзлари «ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган имтиёзлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПҚ–1050-сон қарорида:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзлари «2016 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари» сўзлари «ушбу қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган имтиёзлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ–1169-сон қарорининг 1-иловасида:

а) 39-товар гуруҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3901, 3917, 3923, 3924	этилен полимерлари, бирламчи шаклда, трубалар, трубкалар, шланглар ва уларнинг пластмассадан қилинган фитинглари, маҳсулотларни транспортда ташини ёки қадоқлаш учун пластмасса буюмлар, ошхона идиш-товоғи..., қуйидагилардан ташқари:	30
3917 21 900 0	этилен полимеридан қилинган трубалар, трубкалар, қаттиқ шланглар ва бошқалар	30, лекин камида 0,9 АҚШ доллари/кг

3917 22 900 0	пропилен полимеридан қилинган трубалар, трубкалар, қаттиқ шланглар ва бошқалар	30, лекин камида 0,9 АҚШ доллари/кг
3917 23 900 0	винилхлорид полимеридан қилинган трубалар, трубкалар, қаттиқ шланглар ва бошқалар	30, лекин камида 0,9 АҚШ доллари/кг
3917 32 000	арматураланмаган ёки бошқа материаллар билан қўшилмаган, фитингсиз винилхлорид полимеридан қилинган трубалар, трубкалар ва бошқа шланглар	30, лекин камида 0,9 АҚШ доллари/кг
3917 40 000 0	фитинглар	30, лекин камида 0,9 АҚШ доллари/кг
3923 21 000 0	этилен полимеридан қилинган қошлар ва сумкалар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари/кг
3923 29**	бошқа пластмассалардан қилинган қошлар ва сумкалар	30
3924 10 000 0	ошхона идиш-товоғи	30, лекин камида 1 АҚШ доллари/кг
3902 — 3916	пропилен полимерлари, стирол, винилхлорид, винилацетат, акрил полимерлар, полиацетал, аминоальдегид смолалар, силиконлар, нефть смоласи, целлюлоза, табиий полимерлар, чиқиндилар, қийқимлар ва металл чиқитлари, монопонь...	10
3918	Пластмассадан пол қошламалари, ўзи елимланадиган ёки ўзи елимланмайдиган, рулонда ёки пластинада, пластмассадан девор ёки шифт учун қошлама..., мазкур гурӯҳга 9-эслатмада кўрсатилган қошламалар қуйидагилардан ташқари:	30
3918 10 1000	пластмассадан пол қошламалари, ўзи елимланадиган ёки ўзи елимланмайдиган винилхлорид полимеридан, асоси поливинилхлорид билан шимдирилган ёки қошланган	30, лекин камида 0,6 АҚШ доллари/кв. м
3919 — 3922, 3925, 3926	Пластмассадан плиталар, листлар, плёнкалар, фольга(зар қоғоз), тасма, полоса ва бошқа ясси шакллар, ўзи елимланадиган, рулонда ёки рулонсиз, ванналар, душлар, раковиналар, қурилиш деталлари ва пластмассадан тайёрланган бошқа буюмлар, қуйидагилардан ташқари:	10
3919 10 190 0	Вулканизация қилинмаган табиий ёки синтетик каучукли полоса ёки тасма қошламаси, эни 20 см дан кўп бўлмаган рулонда, бошқалар	10, лекин камида 0,5 АҚШ доллари/кг
3919 10 800 0	эни 20 см дан кўп бўлмаган рулонда, бошқалар	10, лекин камида 0,5 АҚШ доллари/кг
3919 90 000 0	ўзи елимланадиган ясси шакллар, бошқалар	10, лекин камида 0,5 АҚШ доллари/кг
3920 10 230 0, 3920 10 240 0, 3920 10 400 0	этилен полимеридан, ... бошқалар	30
3920 10 250 0	этилен полимеридан, қалинлиги 0,125 мм дан кўп бўлмаган, полиэтилендан солиштирма оғирлиги 0,94 дан кам бўлмаган, босиб чиқарилмаган ёки босиб чиқарилган	30, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3920 10 890 0	қалинлиги 0,125 мм дан кўп бўлган, бошқалар	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3920 20 210 0	пропилен полимеридан; қалинлиги 0,10 мм дан кўп бўлмаган биаксиал йўналтирилган	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3920 20 290 0	пропилен полимеридан; қалинлиги 0,10 мм дан кўп бўлмаган. бошқалар	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3920 43 100 0	винилхлорид полимеридан, таркибида 6 мас. % дан кам бўлмаган қалинлиги 1 мм дан кўп бўлмаган пластификаторлар	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3920 49 100 9	винилхлорид полимеридан бошқалари қалинлиги 1 мм дан кўп бўлмаган, эгилувчан	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3920 99 900 0	бошқа пластмассалардан, бошқалар	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3921 13	говакли полиуретандан	30, лекин камида 0,7 АҚШ доллари/кг
3921 90 300 0	фенол-альдегид смоладан	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг

3921 90 410 0	амино-альдегид смоладан; қат-қат; қат-қат юқори босимдаги бир ёки иккала томонидан усти безалган	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3921 90 600 0	қўп бирикмали маҳсулотлардан	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3921 90 900 0	бошқалар	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг
3922 10 000 0	ванналар, душлар, сувни оқиб тушиши учун раковиналар, ювиниш учун раковиналар	30, лекин камида 0,9 АҚШ доллари/кг
3925 20 000 0 – 3925 30 000 0	эшиклар ва улар учун остоналар, ойналар ва уларнинг ромлари, дераза эшиклари, пардалар (шу жумладан венедия жалюзалари) ва шунга ўхшаш буюмлар ва уларнинг қисмлари	30
3926 10 000 0	пластмассадан ва бошқа 3901 — 3914-товар позия- ларининг материалларидан идоравий ёки мактаб ашёлари	30, лекин камида 0,6 АҚШ доллари/кг
3926 20 000 0	пластмассадан ва бошқа 3901 — 3914-товар позицларининг материалларидан кийим-кечак ва унинг ашёлари (жумладан, турли хил қўлқоплар)	10, лекин камида 0,25 АҚШ доллари/кг
3926 30 000	Пластмассадан ва 3901 — 3914-товар позицияларининг бошқа материалларидан мебель, транспорт воситалари учун маҳкамлайдиган буюмлар ва фурнитура ёки шунга ўхшаш буюмлар	10, лекин камида 0,2 АҚШ доллари/кг
3926 90 970	Пластмассадан ва бошқа материаллардан 3901 — 3914-товар позицияларининг материалларидан бошқа буюмлар	10, лекин камида 0,3 АҚШ доллари/кг

б) 44-товар гуруҳининг 4401-4402, 4403*, 4404-4405, 4406* сатрлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4401-4402, 4403*, 4404-4405, 4406	Ёқиладиган ёғоч хода, ўтин, майда шохлар ёки шунга ўхшаш шаклда, қириндилар ва ёғоч қириндилари, агломератланмаган ёки агломератланган хода, брикет, гранула ёки шунга ўхшаш кўринишда, ёғоч кўмири, ишлов берилмаган ёғоч-тахталар, бочка ясаладиган ёғочлар ва бошқалар, ёки ингичка қиринди, металл чиқитлари, ёғоч уни, ёғоч шпалалар	10
--------------------------------------	---	----

в) 44-товар гуруҳининг 4409* (4409 10 110 0, 4409 29 100 0, 4409 29 910 0) сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4409	Арраланган ёғоч материаллари (шу жумладан йиғилмаган паркет пол қопламаси учун планкалар ва фризлар) узунасига профиланган, рандалаб силлиқланган, турли хил шаклдаги ёғоч-тахталар ёки шунга ўхшашлари	10
------	---	----

г) 73-товар гуруҳи қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

7323 93 900 0	Қора металлдан, коррозияга чидамли пўлатдан тайёрланган ошхона буюмлари	30
---------------	--	----

д) 85-товар гуруҳининг 8541-8542 сатрлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8541 (8541 40 100 0 дан ташқари) — 8542	Диодлар, транзисторлар ва шунга ўхшаш яримўтказгич асбоблар, электрон интеграл схемалар	5
---	--	---

е) 85-товар гуруҳи қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

8541 40 100 0	Ёруғлик тарқатадиган диодлар, шу жумладан лазер диодлар	30
---------------	---	----

ж) 85-товар гуруҳининг 8544 42 900 сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8544 42 900	Бириктирувчи мосламалар билан жиҳозланган изоляцияланган бошқа симлар	5
-------------	---	---

з) 87-товар гуруҳи қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

8701 20 101	Ўриндиқли янги тягачлар	30
-------------	-------------------------	----

и) 87-товар гуруҳининг 8704 22 910, 8704 23 910, 8704 32 910 сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8704 23 910 1, 8704 23 910 2	Евро 3 ва ундан юқори стандартларга мос ва юк кўтариш кучи 10 тн. дан кўп бўлган юкларни ташиш учун янги моторли транспорт воситалари	5
---------------------------------	---	---

к) 87-товар гуруҳининг 8704 22 910*, 8704 23 910*, 8704 32 910* сатри чиқариб ташлансин;

л) 95-товар гуруҳининг 9503 00 100 0 сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

9503 00 100 0	Уч гилдиракли велосипедлар, самокатлар...	30, лекин камида 1,5 АҚШ доллари/кг
---------------	---	-------------------------------------

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон қарорига 30-иловада:

а) илованинг номидан «ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) II бўлим ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) ҳавола чиқариб ташлансин;

г) изоҳ қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ота-оналар тўловидан тушумлар узайтирилган кун гуруҳларининг тарбиячилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва тарбияланувчиларнинг бир марталик овқатланишини ташкил этиш харажатларига мақсадли тартибда йўналтирилади».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 3 сентябрдаги ПП–1813-сон қарорида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Белгилансинки, асосий қарзни қайтариш, фоизлар, воситачилик ҳақлари тўлаш билан боғлиқ харажатлар ва қарз бўйича бошқа харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида» 2013 йил 4 январдаги ПҚ–1902-сон қарори 11-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг устав капиталини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2013 йилда республика бюджети даромадлари прогнози ошириб бажарилганидан олинган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги улушини ошириш ҳисобига 88,0 млрд сўм миқдорига кўпайтириш тўғрисидаги».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 9-бандидаги «ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни» сўзлари «юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисидаги низом 4-бандининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарори билан тасдиқланган бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлган бинолар ва иншоотлар сотилган тақдирда бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш фақат бинолар ва иншоотларни сотишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилганда амалга оширилади, бинолар ва иншоотлар Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсга сотилиши ҳоллари бундан мустасно».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низом 9-бандининг ўн олтинчи хатбошидаги «0,07 фоиз» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартибининг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Ушбу Тартибнинг 4-бандида кўрсатилган нормалар доирасидаги компенсацияга солиқ солинмайди ва ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайди».

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қиймати бож тўловисиз олиб киришнинг чекланган нормаларидан ортиқ бўлмаган жисмоний шахс товарларини божхонада расмийлаштиришда»;

б) илованинг 26-бандида «Йиғимлар ставкаси» устунидаги «20 еврога тенг миқдорда» сўзлари «10 еврога тенг миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибида:

1-бандидаги «жисмоний шахсларга» сўзларидан кейин «(шу жумладан, юридик шахс бўлмасдан оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларига)» сўзлари қўшилсин;

5-банднинг биринчи хатбошидаги «мазкур Тартибда» сўзлари «қонун ҳужжатларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Фуқароларнинг суғурта бадалларини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланади»;

17 ва 22-бандларга «Тадбиркорлик фаолияти тўхтатилганда» сўзларидан кейин «(шу жумладан, оила аъзоси юридик шахс бўлмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти қатнашчилари таркибидан чиққан» сўзлари қўшилсин;

23-бандга «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тўхтатган» сўзларидан кейин «(шу жумладан, оила аъзоси юридик шахс бўлмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти қатнашчилари таркибидан чиққан» сўзлари қўшилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) 3-бандда:

«йўналтирилади» сўзидан олдин қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«коммунал-фойдаланиш ҳамда судлар ва адлия органларининг бошқа жорий харажатларига»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги «3¹» кичик банд қўшилсин:

«3¹) «коммунал-фойдаланиш ҳамда судлар ва адлия органларининг бошқа жорий харажатларига».

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 58-модда) иловада:

илованинг номидаги «ёғоч-тахта ва арраланган бинокорлик материаллари» сўзлари «ёғоч-тахта материаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2 ва 5-сатрлар чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) қуйидаги мазмундаги 17¹-банд қўшилсин:

«17¹. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда, почта алоқаси ёки Интернет тармоғи орқали мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг 3 x 4 см ўлчамдаги иккита фотосурати;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра);

паспортлар нусхалари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг қариндошлик даражасини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар»;

б) 18-банднинг учинчи хатбошидаги «ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини» сўзлари «юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 21-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин: «Якка тартибдаги тадбиркорларни, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли реестрларга

ушбу Низомнинг 3а, 3б ва 3в-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича киритилади»;

г) 22-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини» сўзлари «юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 23-банднинг иккинчи хатбошидаги «деҳқон хўжалигини» сўзларидан кейин «юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган оилавий тадбиркорлик субъектини» сўзлари қўшилсин;

е) 54-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларига — мазкур Низомнинг 6б-иловасига мувофиқ шакл бўйича яқка тартибдаги тадбиркорнинг (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган (уларнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамп эскизини беради»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) 72-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирдаги учта хатбоши шаклида баён қилинсин:

«Таъсис ҳужжатларига:

муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказган органга ушбу Низомнинг 12-банди «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар ҳам тақдим этилади;

хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг қисми (улуши)ни реализация қилиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказган органга қисми (улушни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам тақдим этилади, қисм (улуш) Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсга реализация қилиниши ҳоллари бундан мустасно»;

ўн учинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

з) қуйидаги мазмундаги 75¹-банд қўшилсин:

«75¹. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида унга берилган гувоҳномада кўрсатилган юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти қатнашчилари таркиби ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Рўйхатдан ўтказувчи орган хабарнома олинган пайтдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгаришлар тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига хабар қилади, тегишли давлат реестрларига ўзгартишлар кири-

тади, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги янги гувоҳномани расмийлаштиради, тадбиркорлик субъектини хабардор қилади ва унга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ушбу гувоҳномани беради.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги янги гувоҳномани беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади, у ушбу Низомнинг 76¹-бандида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказувчи органининг ҳисобварағига ўтказилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома рўйхатдан ўтказувчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак»;

и) қуйидаги мазмундаги 16-илова қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

Кимга _____
(рўйхатдан ўтказувчи органининг номи)

_____ дан
(аризачининг Ф.И.О.)

АРИЗА

(зарур бўлимлар тўлдирилади)

_____ муддатга
(оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи жисмоний шахс томонидан тўлдирилади)

_____ (фаолият амалга оширилдиган жой)

_____ ни
(фаолият тури)

амалга ошириш учун **оилавий тадбиркорлик субъекти** сифатида юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари тўғрисидаги маълумотлар:

Оилавий тадбиркорлик субъекти
номидан иш кўрувчи шахснинг
Ф.И.О. _____

Паспортга оид маълумотлар:

_____ (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

СТИР (бор бўлганда)

Уй манзили:

Почта индекси:

Мулоқот телефони _____

Аризачининг электрон манзили:

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР*

* Бор бўлганда тўлдирилади.

II. Қўйидагилар:

а) қўйидаги манзилдаги объектни:

_____ (туман (шаҳар), объектнинг манзили ва вазифаси)

_____ муносабати билан реконструкция қилиш учун (реконструкция қилишнинг мақсади кўрсатилсин)

б) менга тегишли турар жойни _____

_____ (мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан)

_____ (турар жой биносининг манзили)

нотурар жой тоифасига ўтказиш учун _____

_____ (ўтказишнинг мўлжалланаётган шакли ва бинодан фойдаланишнинг мақсади)

ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига уланишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришингизни илтимос қиламан.

Бунда қўйидаги тахмин қилинаётган ҳисоблаб чиқилган сифим бўйича:

_____ (ҳисоблаб чиқилган унумдорлик ёки бошқа тахмин қилинаётган дастлабки маълумотлар)

_____ (иш ўринлари сони, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми)

(умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш учун асбоб-ускуналар, ўтириладиган жойларнинг асосий параметрлари, телефон алоқасига бўлган эҳтиёж ва шу кабилар)

ёхуд:

1. _____ куб. м/соат газга;
2. _____ кВт/соат 2 фазали электр энергиясига, _____ кВт/соат 3 фазали электр энергиясига;
3. _____ куб. м/соат сувга,
4. _____ телефон рақамларига, телефон алоқасига;
5. _____ Гкал/соат иссиқлик энергиясига;
6. _____ куб. м/соат канализацияга юқорида тахмин қилинаётган эҳтиёж бўйича (аризачида тегишли ҳисоб-китоблар мавжуд бўлган тақдирда тўлдирилади) ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига (газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқаси) уланишга техник шартлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришингизни илтимос қиламан.

Аризага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар**:

1. _____
2. _____
3. _____

** *Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳужжатлар (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова).*

_____ (тўлдирилган сана ва вақт)

_____ (ариза берувчи фуқаронинг имзоси)

_____ (қабул қилиб олинган сана ва вақт)

_____ (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси);

к) 2а-илованинг номига «деҳқон хўжаликларини» сўзларидан кейин «ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари қўшилсин;

л) қуйидаги мазмундаги 3в-илова қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
Зв-ИЛОВА

690-модда

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларининг) ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

Т/р	Ариза-хабарнома берилган сана ва вақт	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг уй манзили	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг паспортига оид маълумотлар (серияси ва тартиб рақами, берилган санаси)	Амалга ошириладиган фаолият тури	Фаолият амалга ошириладиган жой	Давлат рўйхатидан ўтказишнинг тартиб рақами ва санаси (реестр)	Гувоҳноманинг тартиб рақами
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Давоми

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати	СТИР коди	Гувоҳнома олинди		Давлат реестридан чиқарилган сана	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила бошқа аъзоларининг Ф.И.О.	Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила бошқа аъзоларининг СТИР коди	Қўшимча маълумотлар
		сана ва вақт	имзо				
10	11	12	13	14	15	16	17

— 72 —

52 (604) -сон

м) 4-иловада:

қуйидаги мазмундаги 15¹-банд қўшилсин:

«15¹. Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари**»:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР (бор бўлганда)

изохлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«*» Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари учун тўлдирилади.

**» юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари учун тўлдирилади».

о) қуйидаги мазмундаги 6б-илова қўшилсин:

690-модда

— 74 —

52 (604)-сон

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
66-ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорни (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини) давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

Реестр тартиб рақами _____
_____ йил «_____» _____

№ 0000000

Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш қўрувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.


Паспорт серияси _____ № _____
_____ берилган

Уй манзили _____

Амалга ошириладиган фаолият тури _____

Фаолият амалга ошириладиган жой _____
_____ йил «_____» _____ гача ҳақиқийдир.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____



Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оиланинг бошқа аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлик даражаси	Паспортга оид маълумотлар (16 ёшгача бўлган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг маълумотлари) (серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	СТИР

М.Ў.

Инспекция бошлиғи _____ »;
(имзо)

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги Намунавий низомнинг 17-бандида:

қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар қўшилсин:

«Бунда Компаниянинг раҳбарлари, ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари Компанияга ходимларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан икки ойлик маош миқдорида мукофотлаш ва уларга бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам бериш ҳуқуқи берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига мувофиқ белгиланади.

Зарурат бўлганда Компаниянинг раҳбар ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тариф разрядларига оширилган коэффициентлар белгиланиши мумкин»;

иккинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банднинг биринчи хатбошига «(автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин;

31-банднинг биринчи хатбошидаги «белгиланган нархларда» сўзлари

«транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган ҳолда чакана нархларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

31¹-банднинг биринчи хатбошига «чакана нархлар бўйича» сўзларидан олдин «транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

32-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бунда автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси сотиш транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган ҳолда белгиланган чакана нархлар бўйича амалга оширилади»;

34-банднинг учинчи хатбошига «аҳолига» сўздан кейин «транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

36-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Очиқ биржа савдоларида автомобиль бензини ва дизель ёқилғисига бошланғич нарх транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган ҳолда белгиланган чакана нархлар бўйича аниқланади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 27-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Маслаҳат берганлиги учун врачларнинг соатбай меҳнат ҳақи улар тариф ставкасининг 1 фоизи миқдорида белгиланади».

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 августдаги 196-сон қарорига 2-иловада:

3-сатр қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

3.	Ирригация-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш	26.610,87	39	26.610,87	100%	0,00	0%	Хизмат кўрсатиш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади
----	---	-----------	----	-----------	------	------	----	--

«Хаммаси» сатри қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Хаммаси	67.960,00	100	31.295,40	46%	36.664,60	54%
---------	-----------	-----	-----------	-----	-----------	-----

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 58-модда) билан тасдиқланган Юридик шахс бўлмасдан оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 8¹-банд қўшилсин:

«8¹. Оилавий тадбиркорлик субъекти якка тартибдаги тадбиркорлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Оилавий тадбиркорлик субъекти томонидан бир нечта алоҳида объектларда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилганда қатъий белгиланган солиқ ҳар бир алоҳида объект учун тўланади».

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар жалб этилган «JV MAN Auto — Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 7 августдаги 224-сон қарорининг 4-бандида:

биринчи хатбошидаги «5 йил муддатга» сўзлари «2017 йил 1 январга» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 34-бандининг биринчи хатбошидаги «Жамғарма ходимлари» сўзлари «Жамғарма ва Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ходимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 12 декабрдаги 350-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «120» рақами «100» рақами билан алмаштирилсин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 84-модда).

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 44¹-банд қўшилсин:

«44¹. Болали оилаларга нафақа, болани парвариш қилиш нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) хизматларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Халқ банки ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Болали оилаларга нафақа, болани парвариш қилиш нафақаси ва мод-

дий ёрдам тўлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдори кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўлаш учун ажратилган маблағлар доирасида Халқ банки томонидан тақдим этиладиган асосланган ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади».